



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

Ўзбекистон худудида

тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д., профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Наргиза Музафаровна Бабаева Жаҳон лизинг хизматлари бозорининг ҳолати таҳлили ва ўзбекистонда унинг ривожланиш тенденциялари.	70
Рамз Зоиржон ўғли Мухаммадиев Тиббий хизмат сифатини яхшилашда юқори технологиялар ўрни.	77
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Гульнара Мардиевна Шадиева, Бону Бахтиёрвна Давронова Туризм в Узбекистане: драйвер экономического роста и социальной стабильности	80
Maksuda Valeriyevna Israilova Sog'lomlashtirish turizmining mohiyati va rivojlanish tarixi.	84
Dilshod Usmanovich Ruzmanov Turizmда madaniy-tarixiy resurslar salohiyatidan samarali foydalanish usullarini takomillashtirish	90
Nargiza Akbardjonovna Abduvaxidova Barqaror turizm rivojlanishida muammo va imkoniyatlar	94
Фарход Абдихидович Бекназаров, Азиза Пирмаматовна Махмудова Мамлакатимиз экотизими ва маданий меросини комплекс сақлаш ҳамда минтақада экотуризмни ривожлантиришда геопапркларнинг ўрни	99
Aziza Javaxirovna Mir-Djafarova Iqtisodiyotni raqamlashtirishda turizm va mehmonxona xizmatlarini tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish	103
Камилла Бахромовна Суюнова, Олтинбек Бобирович Умаров Роль маркетинговых стратегий в развитии цифровизации сферы туризма в Узбекистане	108
Rayhona Sadriddinovna Amriddinova, Sitara Otabekovna Xamroyeva Jismoniy imkoniyatlari ma'lum darajada cheklangan insonlar turizmini rivojlantirishda innovatsion texnologiyalarning ahamiyati	111
Parvina Asliddin qizi Xolmatova Hududlarda ekoturizmni tashkil etish va rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi	114
Xasan Ibragimovich Turdibekov O'zbekiston sharoitida overturizmni baholash uslubiyatini takomillashtirish	118
Aziza Yusufbekovna Talibova O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot sharoitida ekskursiya xizmatlarini rivojlantirishning samarali yo'llari	122
Нодир Нозимович Негматов Роль визуальных и культурных стимулов Узбекистана в формировании лояльности туристов: нейромаркетинговый подход.	127
Nodirjon Abduxalil o'g'li Xoliqov, Ibragim Xudayarovich Nimatov O'zbekiston Respublikasi turistik salohiyati: tahlillar va istiqbollar	132
Азиза Пирмаматовна Махмудова, Ситора Отабековна Ҳамраева Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда Big Data технологияларидан фойдаланиш йўллари	138
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Nigina Marupovna Usmanova, Mavluda Shuxratjon qizi Nishonova Qarorlar qabul qilish jarayonini tahlil qilish va korxonada boshqaruvni takomillashtirish yo'llari	140
Gulshan Akmalovna Abduvohidova Tashkilot intellektual resurslarini boshqarish tamoyillari	145

9. Norchayev A.N. Zamonaviy turizm infratuzilmasining shakllanish va rivojlanish tendensiyalari. DSc. Dissertatsiya avtoreferati-Toshkent. 2021.;
10. Mirzayev A.T. O‘zbekistonda turistik-rekreatsiya faoliyatini boshqarish metodologiyasini takomillashtirish. DSc. diss. avtoref. – Toshkent, 2021. –68 b.;
11. Ibragimov N.S., Turistik hududni barqaror rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari // Buxoro: Durdona nashriyoti 2020. – 204 b.;
12. Xoliqov N.A. “Ziyorat turizmiga oid destinatsiyalarni rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish (Samarqand viloyati misolida)” PhD dissertatsiyasi, Samarqand-2024, 81-87 b.;
13. Creating a scale for assessing socially sustainable tourism. H Qiu Zhang, DXF Fan, TSM Tse, B King - Journal of Sustainable Tourism, 2017
14. Greg Richards, Julie Wilson-“ Today's youth travellers, tomorrows global nomads: New horizons in independent youth and student travel: A report for the International Student Travel Confederation (ISTC) and the Association of Tourism and Leisure Education (ATLAS)” International Student Travel Confederation, 2003.
15. Chaddock, R. E. (1925). Principles and methods of statistics. Houghton Mifflin.https://archive.org/details/principlesmethod0000chad/page/n5/mode/2up?utm_source=atgpt.com
16. <https://oxfordbusinessgroup.com/reports/saudi-arabia/2023-report/>

<p>Н.Холиков, И.Ниматов Туристический потенциал Республики Узбекистан: анализ и перспективы</p>	<p>N.Kholikov, I.Nimatov Tourism capacity of the Republic of Uzbekistan: analysis and prospects</p>
<p>Аннотация. В данной статье статистически анализируется туристический потенциал Республики Узбекистан. Также изучаются и исследуются факторы, связанные с этой сферой. В то же время авторы прогнозируют будущие значения туристического сектора и факторы, влияющие на него, в целях развития туристического сектора, создания новых туристических продуктов и обеспечения его современными кадрами в нашей республике.</p> <p>Ключевые слова: туризм, паломнический туризм, корреляция, регрессия, корреляционная матрица, факторный анализ, эконометрический анализ.</p>	<p>Abstract. This article statistically analyzes the tourism potential of the Republic of Uzbekistan. Also, factors related to this area are studied and researched. At the same time, authors forecasts the future values of the tourism sector and the factors affecting it in order to develop the tourism sector, to create new tourism products, and to provide it with modern personnel in our republic.</p> <p>Keywords: tourism, pilgrimage tourism, correlation, regression, correlation matrix, factor analysis, econometric analysis.</p>

Азиза Пирмаматовна Махмудова – СамИСИ “Туризм” кафедраси доценти, и.ф.ф.д.
Ситора Отабековна Ҳамраева – СамИСИ магистранти

МАМЛАКАТИМИЗДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА BIG DATA ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда инновацион технологиялардан, хусусан, бугунги кунда ушбу соҳада тизимли маълумотлар билан ишлаш учун энг қулай бўлган Big Data технологияларидан фойдаланиш йўллари ва истиқболлари келтирилган.

Калит сўзлар: глобал интернет тармоғи, дастурий-аппарат тизимлари, Big Data технологияси, шахсийлаштирилган туристик маҳсулотлар, потенциал туристик истеъмолчилар, жозибали туристик маҳсулотлар, малакали кадрлар, сайёҳат мақсадлари.

Кириш. Бугунги кунда туризм соҳаси жадал ривожланаётган соҳалардан бири бўлиб, ушбу соҳа мамлакатимиз ҳудудлари иқтисодий юксалишининг катализаторига айланиб бормоқда. Бу борада ҳукуватимиз томонидан ҳам ушбу соҳанининг ривожини учун етарлича эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2023 йил 26-апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир кўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-135-сонли қарори¹, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2024 йил 7 декабрдаги “Туризм соҳасини рақамлаштириш ва туристик хизматларни ягона платформага бирлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 820-сонли қарори шулар жумласидандир.²

Замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши дастурий-аппарат тизимларининг, жумладан, глобал Интернет тармоғининг алоқа каналларининг доимий такомиллаштирилиши ва уларнинг оддий истеъмолчилар учун мавжудлиги ҳамда янги интернет фойдаланувчилари сонининг ўсишида намоён бўлади ва бунинг натижасида ишлаб чиқарилган маълумотлар ҳажмининг доимий ўсишини таъминлаш имкониятини оширади. Катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тарқатишда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда тизимли маълумотлар билан ишлаш учун мўлжалланган Big Data технологиясининг ўрни бекиёсдир. Big Data технологиясини маълумот олиш учун мўлжалланган технологиялар тўплами сифатида белгиланиши мумкин. Айтиш жоизки, катта маълумотлар тўпамини таҳлил қилиш орқали Big Data технологияларидан фойдаланиш келажакда янги билимларни олиш имконини беради. Ушбу технологияни амалий қўллаш имкониятларига тўхталсак, туристик корхоналар Big Data дан мижозларга хизмат кўрсатиш, операцион самарадорлик ва рискларни бошқариш соҳаларида фойдаланадилар.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мамлакатимизда рақамли технологиялардан фойдаланиш асосида туризм соҳасини ривожлантириш масалалари бўйича бир қатор олимларнинг илмий ишларида ва тадқиқотларида кенг ёритилган. Хусусан, И.С.Тухлиев, М.Қ.Пардаев, А.А.Эштаев, М.Т.Алимова, А.С.Абдухамидов ва бошқаларнинг тадқиқотларида ушбу масалаларга кенг эътибор қаратилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда мамлакатимиз туризм саноатида Big Data технологиясидан фойдаланиш масалалари жуда долзарбдир, чунки туризм саноатининг янада жадал ривожланиши туризмни режалаштириш ва ташкил этишда тизимли ёндашувни талаб қилади. Туризм соҳасида шахсийлаштирилган туристик маҳсулотни лойиҳалашда ҳам, оммавий туризм маҳсулотини бозорда илгари суриш стратегиясини шакллантиришда ҳам фойдаланиш мумкин бўлган катта ҳажмдаги маълумотлар тўпланган. Big Data технологиясидан фойдаланиш сайёҳлар ҳақида уларнинг туристик хулқ-атвори, сайёҳат йўналишларини танлаш, жойлаштириш воситаларини саралаш мезонлари ва бошқалар бўйича янги билимларни олиш имконини беради. Юқорида таъкидланганидек, ушбу технологиялардан келажакда туристнинг бундай шаклланган имиджидан бозор эҳтиёжларига мос келадиган туризм маҳсулотларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, Big Data технологияларидан туристик маҳсулотлар ва десцинацияларни илгари суриш учун ахборот таъминотида фойдаланиш мумкин. Ушбу технология фойдаланувчилар ҳақидаги сайёҳат маълумотлари асосида маълум бир истеъмолчига қаратилган реклама хабарини шакллантириш орқали туристик маҳсулотларни автоматлаштирилган харид қилишни амалга ошириш имконини беради.

Ушбу соҳага оид халқаро тажрибани ўрганиш асосида Амадеус тизими Big Data технологиясидан фойдаланиш асосида бутун дунё бўйлаб сайёҳлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш учун ушбу тизимдан фойдаланиши, унинг ёрдамда туристик маҳсулотнинг потенциал истеъмолчисининг энг ишончли портретини, шу жумладан туризм турлари, йўналишлари ва сайёҳат мақсадлари ва бошқаларни яратиш мумкинлиги аниқланди. Big Data технологиясидан фойдаланиш бўйича яна бир муваффақиятли тажриба туризм билан боғлиқ бўлган авиакомпания саноатида қўллашнинг авфзаллигида эканлиги аниқланди. Мисол учун, Британиянинг British Airways авиакомпанияси компаниянинг содиқлик дастурида иштирок этаётган мижозлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш натижаларидан ўзининг истеъмолчилар талабини мониторинг қилиш дастуридан фойдаланади.

Big Data атамаси катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тарқатишни ташкил этиш учун ечимларни тақдим этадиган технологияларни

¹ <https://lex.uz/ru/docs/6456786>

² <https://lex.uz/ru/docs/7252698>

англатади. Шунингдек, маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш натижасида Big Data технологияси кейинчалик нархлаш, жозибали туристик маҳсулот яратиш ва бошқалар каби бизнес жараёнларни оптималлаштириш учун ишлатилиши мумкин бўлган янги билимларни олишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда ҳам туризм соҳасида ушбу технологиялардан фойдаланиш ва қўллаш имконияти мавжуд, ammo туристик корхоналар улардан фойдаланишда бир қанча қийинчиликларга дуч келмоқда. Ушбу технологияни ишга жорий этиш у билан ишлаш учун етарли даражада билим ва малакага эга бўлган, шу йўналишда тайёрланган мутахассисларни жалб қилишни талаб қилади. Хусусан, соҳада малакали кадрларнинг етишмаслиги мамлакатимизда Big Data ни жорий этишдаги асосий қийинчиликлардан биридир. Big Data маълумотларининг техник инфратузилмаси турли технологияларининг бир-бири билан интеграциялашувини талаб қилади.

Туристтик ташкилотлар иш жараёнига Big Data маълумотларининг киритилиши корхоналарга бир қатор имкониятлар ва афзалликлар беради. Бироқ, ушбу технологиялардан фойдаланишда жараёнга қаршилик қиладиган бир қанча тўсиқларга дуч келиши мумкин. Бундай тўсиқларга қуйидагилар киради:

- Зарур тайёргарликка эга малакали ходимларнинг етишмаслиги;
- Ушбу технологияни амалга оширишда юқори харажатни талаб қилиниши;
- Big Data технологиясини корхоналар ишида жорий этиш бўйича етарли тажрибанинг етишмаслиги ва ҳ.к.

Big Data технологиясидан фойдаланиш асосида қуйидаги маълумотлар манбаларини қайта ишлаш имконияти мавжуд:

- Очиқ маълумотлар – ижтимоий, иқтисодий ва бошқа очиқ манбалар асосида олинадиган маълумотлар.
- Ижтимоий тармоқлар – ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари томонидан шахсий саҳифаларда ихтиёрий равишда эълон қилинган маълумотлар.
- Интернет воситалари (Internet of Things, IoT), смартфонга ўрнатилган сенсорлар, ақлли соат, фойдаланувчи фаолияти ҳақида турли маълумотларни ёзиб оладиган фитнес-трекерлар.
- Шахсий маълумотлар – аноним маълумотлар: тиббий ёзувлар, қилинадиган ишлар рўйхати ва ҳоказолар.
- Тижорат операциялари – банк операциялари ва интернетда амалга оширилган бошқа тўловлар орқали олинадиган маълумотлар.

Big Data технологиясидан фойдаланиш бизнес учун қуйидаги имкониятлар ва афзалликларни очиб беради:

- Шахсийлаштириш, яъни ҳар бир мижоз учун унинг афзалликлари ва молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда шахсий таклифни яратиши мумкин;
- Мижознинг маҳсулотнинг реал вақтда ишлатиш тажрибаси ҳақида маълумот олиш имконияти;
- Истеъмолчилар талабига асосланган нархларни динамик тартибга солиш имконияти;
- Бозорнинг асосий тенденциялари тўғрисида объектив маълумот олиш;
- Маркетинг харажати самарадорлигини ошириш орқали уларнинг нархини пасайтириш имконияти.

Шунга кўра, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш орқали Big Data технологияларидан фойдаланиш мазмунли натижалар ва фойда олиш нуқтаи назаридан янги бизнес имкониятларини очадиган янги билимларни олишга имкон беради деган хулосага келиш мумкин. Big Data дан амалий фойдаланишга келсак, туристик ташкилотлар ушбу технологиядан мижозларга хизмат кўрсатиш, операцион самарадорлик ва хатарларни бошқариш соҳаларида қўллайдилар. Туризм бизнесида Big Data маълумотларидан фойдаланишнинг кўплаб усуллари мавжуд. Шу билан бирга, унинг қуйидаги йўналишларини ажратиш мумкин:

- Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш. Бу орқали мижозларда маълумотларини таҳлил қилиш имконияти туғилади.

- Ички жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш. Бу туристик ташкилотларга бизнес операцияларни оптималлаштириш ва ўз бизнес жараёнларини янада самарали автоматлаштириш имконини беради.

- Маркетинг самарадорлигини ошириш. Бу орқали энг самарали маркетинг каналларини танлаш ва шу билан бирга янги мижозларни жалб қилиш имконияти туғилади.

- Харажатларни бошқариш ва нархлаш. Бу орқали туристик корхоналар бюджетларни оптималлаштириши, харажатларни янада самарали бошқариши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Big Data технологиясини тавсифловчи илмий адабиётлар ва очик манбаларни таҳлил қилиш асосида туризм соҳасида ушбу технологиядан фойдаланишнинг аниқ мисоллари, ва унинг ёрдамида доимий равишда тўпланиб борадиган катта ҳажмдаги маълумотлар олиниши мумкин эканлиги аниқланди.

Туризм соҳасида Big Data технологиясидан фойдаланиш катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш, узатиш ва қайта ишлашни ташкил этишга ёрдам беради, шунингдек, янги билимларни таҳлил қилиш ва юклаб олиш усуллари осонлаштиради, ушбу технологияларни қўллаш асосида туризм соҳасида сезиларли натижаларга эришиш, сайёҳлар соҳасини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш сифтини яхшилаш, сотиш ҳажмини кўпайтириш имкониятини оширади.

Big Data технологияси туризм соҳасида жорий бозор ҳолатини ўрганиш ва ҳар бир мижозни яшироқ тушуниш воситасидир. Буларнинг барчаси шахсийлаштирилган ёндашув ва мижозлар эҳтиёжини аниқроқ прогноз қилиш учун ажойиб асос бўлиб хизмат қилади. Шу туфайли, Big Data технологияларидан фойдаланиш минтақалар туризм соҳасининг рақобатбардош устунлигини сезиларли даражада оширади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2023 йил 26-апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-135-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2024 йил 7 декабрдаги “Туризм соҳасини рақамлаштириш ва туристик хизматларни ягона платформага бирлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 820-сонли қарори.
3. Тухлиев И.С., Абдухамидов С.А. Туризм: назария ва амалиёт. Дарслик (Учинчи нашр) –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021.-424 бет.
4. Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). Докторлик диссертация автореферати-С, 2019; 120 б.
5. Abdukhamidov, A. S., & Makhmudova, A. P. (2022). Prospects for the development of recreational tourism in Uzbekistan. Builders Of The Future, 2(02), 31-38.
6. Makhmudova, A. (2019). Enhancement of the Ecotourism Efficiency in the Republic of Uzbekistan: Experience of the Developed Countries. Indonesian Journal of Law and Economics Review, 3, 10-21070.

<p style="text-align: center;">А.Махмудова, С.Хамраева</p> <p style="text-align: center;">Пути использования Big Data технологий в развитии туристической сферы нашей страны</p> <p>Аннотация. В данной статье представлены пути и перспективы использования инновационных технологий в развитии туристического сектора нашей страны, в частности, технологий Big Data, которые на сегодняшний день наиболее удобны для работы с систематизированными данными в этой области.</p> <p>Ключевые слова: глобальная сеть Интернет, программно-аппаратные комплексы, современные технологии, персонализированные туристические продукты, потенциальные туристические потребители, привлекательные туристические продукты, квалифицированный персонал, туристические цели.</p>	<p style="text-align: center;">A.Makhmudova, S.Khamraeva</p> <p style="text-align: center;">Ways to use Big Data technologies in the development of the tourism sector in our country</p> <p>Abstract. This article presents ways and prospects for using innovative technologies in the development of the tourism sector in our country, in particular, Big Data technologies, which are most convenient today for working with systematic data in this area.</p> <p>Keywords: global Internet network, software and hardware systems, Big Data technology, personalized tourist products, potential tourist consumers, attractive tourist products, qualified personnel, tourist purposes.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

14.03.2025 йилда теришга берилди. 25.03.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,87. Адади 100 нусха. Буюртма № 0012А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.